

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

| | |
|---|-----|
| 45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR..... | 362 |
| 46. Муминов А., Норов Ш. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ..... | 367 |
| 47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж. АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ)..... | 373 |
| 48. Мўминова Г.Э. ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ..... | 379 |
| 49. Муталлибжонов М.М. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ..... | 387 |
| 50. Нафиддинова Х.Р. БУХОРО ТҮЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН..... | 392 |
| 51. Норматов О. ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҶАЗАЛАР.... | 398 |
| 52. Нурматова М.М. ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ..... | 405 |
| 53. Пардаев А.А. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР)..... | 410 |
| 54. Примова Ф.А. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ..... | 416 |
| 55. Расулов А.М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ..... | 424 |
| 56. Расулов Ҳ.М. ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ..... | 429 |

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождидинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна,
Қўқон ДПИ, Тарих факультети, Тарих ўқитиш
методикаси кафедра ўқитувчиси

XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

For citation: Ruzmatova Shaxodat. SOCIO-ECONOMIC AND POLITICAL PROCESSES IN THE FERGANA VALLEY IN THE LATE 17TH AND EARLY 18TH CENTURIES. Look to the past. 2020, SI, pp.444-451

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-58>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қўқон хонлигининг вужудга келиш жараёнлари, ўша даврдаги маҳаллий сиёсий кучлар, Фарғона водийсида яшовчи халқлар, қабилалар, иттифоқлар ҳақида ва "Қўқон хонлиги" атамаси юзасидан баъзи маълумотлар ва фикрлар берилган.

Калит сўзлар: Хувақанд, Олтин Бешик, минглар, юзлар, қашғарлар, Хўжанд, Ўра-Тепа, Дашти Қипчоқ, Абулфайзхон, Чодак хожалари, Шохруххон, Фарғона давлати.

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна,
Кокандский ГПИ, факультет истории,
преподаватель кафедры Методика преподавания истории

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В КОНЦЕ XVII- НАЧАЛО XVIII ВЕКОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье есть некоторые мысли и сведения о процессе образования Кокандского ханства, о политических силах, о племенах, союзах, народах живущих в Ферганской долине в это время и про термин "Кокандское ханство".

Ключевые слова: Хуваканд, Олтин Бешик, минги, юзы, кашгары, Ходжент, Ура-Тюбе, Дашти Кипчак, Абулфайзхан, Чадакские хаджи, Шахруххан, государство Фергана.

Ruzmatova Shaxodat Abdukaxharovna,
Kokand SPI, faculty of history, teacher of the department
" Methodology of teaching history"

SOCIO-ECONOMIC AND POLITICAL PROCESSES IN THE FERGANA VALLEY IN THE LATE 17TH AND EARLY 18TH CENTURIES

ABSTRACT

This article provides some information and insights into the birth of the Kokand Khanate, the local political forces of the time, the peoples, tribes and unions living in the Fergana Valley.

Index Terms: Huvakand, Golden Cradle, minglar, yuzlar, kashgarlar, Khojand, Uratapa, Dashtiki pchoq, Abulfayzxon, owners of Chodak, Shohrukhon, Fergana.

Долзарблиги. Ҳар бир халқнинг давлатчилиги ва маданият тарихини ўрганиш нафақат илмий ёки назарий, балки чуқур маънавий-руҳий аҳамиятга эга бўлиб, ҳар биримизда ўзимиз туғилган ва яшаётган она замин билан мустақам алоқадорлик ҳиссини ривожлантиради. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи анча қадим илдизларга эга. Фарғона водийсидаги XVIII аср бошларида шаклланган мустақил давлат - Қўқон хонлиги ўзбек давлатчилигининг ажралмас қисмидир. XVII-XVIII асрларга доир бўлган ушбу давлат ўзбек давлатчилиги тарихини кўп жиҳатларини очиб беради. Сиёсий тузум, бошқарув фаолияти, солиқ тизими, мансаблар, ўша давр қонунчилиги, диннинг давлат бошқарувидаги роли шулар жумласидандир. Бундан ташқари аҳолининг ўша даврдаги сиёсий онги, ижтимоий аҳволи, иқтисодий ҳолати, маънавияти ва маданияти ривожини тўғрисида кўплаб маълумотлар беради. Мақсадимиз ушбу мақолада Қўқон хонлигининг шаклланиш даври XVII аср охири - XVIII аср бошларидаги Фарғона водийсидаги воқеалик ҳақида тадқиқот олиб бориб, мулоҳаза юритишдир. Ва яна бугунги кунгача одатий ҳисобланиб келинган "Қўқон хонлиги" атамасига ўз муносабатимизни билдиришдир. Янги мулоҳазалар, тарихга янгича ёндошувлар тарих фани учун доимо долзарб мавзудир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқотни тарихий манбалар ва адабиётлар асосида объективлик, тарихийлик, холислик, илмийлик ва замонавийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, тадқиқотни амалга оширишда қиёсий таҳлил, танқидий таҳлил, мантиқий ва хронологик, семантик ва прагматик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Қўқон хонлигининг ўтмиши ва тарихига оид маҳаллий муаллифларнинг, рус ва чет эл сайёҳларининг асарлари, бугунги кун тарихчи олимларининг тадқиқотлари анчагина. Бу тарихий, илмий манбаларда хонлик тарихининг турли жиҳатлари кенг ёритилган.

Қўқон хонлигининг асосчиси минг сулоласидан Шоҳрухбий эканлиги ҳаммага маълум, лекин марказлашган хонлик давлатининг пайдо бўлунига қадар бўлган

сиёсий давр тарихи ҳақида яхлит, яққол ҳолатда ёзилган манбани деярли учратмаймиз. Тўғри, айрим маҳаллий тарихчилар, рус ва чет эл сайёҳлари эсдаликларида баъзи маълумотлар келтирилади, лекин улар ягона тарихга жамланмаган.

Даставвал Қўқон топонимининг тилга олинishi ҳақида гапирадиган бўлсак, тарихчи олим Хайдарбек Бобобеков ўзининг "Қўқон тарихи" асарида араб олимлари томонидан бу ҳудуд X асрдаёқ тилга олинганлиги ҳақида айтади [1]. Унга кўра "Ҳудуд ул-олам" асарида (983 йилда ёзилган) "Ҳуваканд, Риштон ва Зендарами шаҳарларининг аҳолиси зич жойлашган бўлиб, экин экиладиган ерлари кўп бўлган", деб ёзилган. Бундан кўришимиз мумкинки, Қўқон ҳудуди шаҳар мақомини қабул қилмасидан 600-700 йил аввал ўтроқ халқи зироатчилик билан шуғулланадиган ривожланаётган ҳудуд қаторига кирган.

Архив материалларида ҳам XVIII-XIX асрларда шаҳар Ҳўқанд деб аталганлиги ҳақида А. Л. Троицкая ўзининг "Қўқон хонларининг архиви каталоги" номли асарида ушбу топонимнинг 50дан ортиқ ҳужжатларда учраши билан тасдиқлайди[2].

3.Тадқиқот натижалари:

Хонликнинг марказлашувига қадар бўлган сиёсий тарихини кўриб чиқишдан аввал Фарғона ҳудудида хокимиятга даъвогарлик қилиши мумкин бўлган қандай сиёсий кучлар яшаганлиги ҳақида билиб олсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қўқон хонлигининг асосини ташкил этган Фарғона ҳудуди аҳолиси марказлашувга қадар турли хил халқлардан ташкил топган. XVII аср охири XVIII аср бошида кўшни ҳудудларнинг сиёсий нотинчлиги туфайли Фарғона ҳудудига кўплаб ўтроқ ва кўчманчи аҳолилар кўчиб кела бошлайдилар. Манбаларда [3]Қўқон шаҳрида (XVIII аср) яшаётган асосий аҳолидан тўртдан уч қисми самарқандилар (Самарқанд ҳудудидан кўчиб келган бир неча минг аҳоли), қашғарлар, қўхистониларни ташкил этган дейилади. Шарқий Туркистоннинг Цин давлати томонидан босиб олинishi натижасида 9мингта оила Фарғона ҳудудига келиб ўрнашган. Қипчоқлар Ўрта жуз султони Бараканинг ўғли Шифайхон бошчилигида Наманганни эгаллаганлар. Туркистон атроф ҳудудларидан эса турклар ва қорамурутлар келиб жойлашганлар. Марказий Фарғона эса Дашти Қипчоқ ҳудудларидан келиб ўрнашган қавмлар маконига айланган эди.

Туб аҳоли сартлар ҳисобланиб улар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлар. XVIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр, жумладан Фарғона ҳудудларига,асосан қипчоқлар ва қалмиқлардан ташкил топган кўчманчи аҳоли келиб жойлашганлиги ҳақида Б. М. Бабаджановнинг[4]асаридан билиб олишимиз мумкин.

Фарғонанинг шимолий, шарқий ҳудудларини қирғизлар эгаллаган бўлиб, улар асосан чорвачилик ва ҳунармандчилик (терига ишлов бериш, тери маҳсулотлари ва б.) билан шуғулланганлар. Фарғонанинг шарқи ва жануби шарқига келиб жойлашган қипчоқлар эса деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар шунинг учун улар ярим кўчманчи аҳоли номини олган. Фарғонадан жанубда жойлашган тоғли ҳудудларни эса тожиклар (ғалча, кухий, кулоби, гарми ва б.) эгаллаган, марказий ҳудудларда эса қипчоқлар истиқомат қилганлар.

Юқорида тилга олинган аҳолидан ташқари бу ҳудудда ижтимоий, диний, сиёсий ҳаётда ўз юқори ўрнига эга бўлган саййидлар ва хўжалар ҳам истиқомат қилганлар.

XVII асрнинг бошида Ўрта Осиё ҳудудида ташкил топган Аштархонийлар сулоласи давлати XVIII асрнинг бошига келиб заифлаша бошлади.Ернинг катта

қисми йирик ер эгалари томонидан хусусийлаштирилиши феодал тарқоқликни вужудга келтирди. Натижада ҳокимият учун сулола вакиллари орасида урушлар бошланиб кетди. Марказий ҳокимият заифлашди ва бундан фойдаланган мавжуд қабила иттифоқлари ўз мустақиллиги учун ҳудудларда урушларни бошлаб юборди.

Аштархонийлар ҳукмронлигидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий таназул даври Абулфайзхон (1711-1747) даврига тўғри келди. Марказий ҳокимиятдан вилоятлар бирин кетин ажралиб чиқа бошладилар. Ўрта Осиё ҳудудлари кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларни бошқараётган амирлар қўлига ўта бошлади ва улар ўртасида марказий ҳокимият учун урушлар бошланиб кетди. Энг йирик қабила иттифоқлари манғитлар, кенагаслар, Миёнқалъа қабилалари, юзлар ва минглар эди.

"Тарихи Шохрухий" [3] асарида қайд этилишича XVIII асрнинг 20 йилларида ҳокимият учун манғитлар ва кенагаслар ўртасида кучли жанглар бўлиб ўтади. Натижада кенагаслар йўлбошчиси Иброҳим оталиқ Сирдарё ортида яшовчи қўнғирот ва қорақалпоқ қабилалари ёрдамидан фойдаланади ва ушбу қабилалар етти йил давомида Мовароуннаҳр ҳудудлари- Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Қарши, Ҳисор ва Кулобга қадар бўлган ҳудудларни талон-торож қиладилар. Кейин эса Мовароуннаҳр ҳудудини чигирткалар босиб кетиши натижасида очарчилик юзага келади, ўлимлар сони кўпаяди, одамлар бошқа ҳудудларга кўчиб кета бошладилар, масалан, 12 мингта одам Ҳиндистонга кўчиб ўтади. Мовароуннаҳр бундай фалокатни мўғуллар босқинидан буён кўрмаганлиги айтиб ўтилади. Бунинг натижасида эрон шоҳи Нодиршоҳ 1737 йили Қарши ҳудудигача, 1740 йили эса Бухорогача бостириб кириб уни осонлик билан забт этади.

Нодиршоҳ босқини Фарғона учун унчалик аҳамият касб этмаган. Сабаби, географик жойлашуви, иқтисодиётининг кўчманчи қозоқ ва қирғиз қабилаларининг талон тарошлик юришлари оқибатида пасайиб кетиши йирик, бой Самарқанд, Бухородай шаҳарлар ёнида айтарлик кўзга ташланмаган. Бундан ташқари Фарғонада бу даврларда шимолда Жиззах вилоятларини, Ўратепани, Хўжандни кучли қабила юзлар ўз назоратига олганлар ва Самарқанд учун манғитлар билан доимий кураш олиб борганликлари уларнинг харбий соҳада етарли даражада салоҳиятга эга эканликларидан далолат беради.

Жунғорлар давлатининг Шимолий Тянь-Шаньдаги ҳукмронлиги қирғиз аҳолисининг катта қисмини XVII аср охири-XVIII аср бошларида Фарғона ҳудудларига кўчиб келишига сабаб бўлди, бунинг натижасида бу ҳудудларда янги йирик этнос пайдо бўлди.

Тарихчи олим Б. М. Бабаджановнинг [4] таъкидлашича нафақат Бухоро балки бутун Мовароуннаҳрнинг таназулга юз тутиши сабабларидан бири ғарбдан эронийлар (1740-1742), шарқдан жунғор (қалмиқ)ларнинг бу ҳудудларга қилган босқини бўлган. Ички низолар эса бу вазиятни янада оғирлаштирган.

Мутахассислар Фарғона ҳудудидаги биринчи мустақил мулкларнинг пайдо бўлишини XVIII аср боши билан боғлайдилар. Биринчи бўлиб Фарғона ҳудудини бирлаштиришга Юз қабиласи ҳаракат қилган. Улар Тошкент ва Сирдарё ҳудудидаги бир қанча вилоятларни ўзларига бўйсундирганлар. Лекин кейинчалик ҳукмронлик Минглар қўлига ўтади, Юзлар тасарруфида эса маркази Ўратепа бўлган Фарғона водийсининг ғарбий ҳудудлари қолади холос. Ушбу қабиланинг асосий яшаш манзиллари Ўра-Тева ва Жиззах эканлиги Чор Россиясининг Ўрта Осиё тарихига оид "Туркестанский сборник" номли тўпламида ўз тасдиғини топган [5].

Т. К. Бейсембиевнинг [3] таъкидлашича XVIII асрнинг бошига келиб Фарғона

худуди Бухоро таркибидан ажралиб чиққан эди. 1704 йилда Фарғона ва Тошкентнинг катта ҳудудлари, Қозоғистоннинг Сирдарё бўйи вилоятлари юз қабиласидан бўлган Муҳаммад Раҳимбий оталиқ ҳукмронлигини тан олган. Фарғона худудида яшаётган минг қабиласи юз қабиласи билан яқин муносабат ўрнатган. Минг ва юз қабилалари ўртасида иттифоқ бўлган, чунки босиб олинган ҳар бир вилоят иккала қабилла мулки деб эълон қилинган.

Минг ва юз қабилаларининг нафақат рақамларда, балки лақабларида ҳам яқинлик бўлган: минглар- оқ буғро, юзлар- оқ тойлоқ деб аталганлар. Кўриниб турибдики минглар қабилалар кесимида юқори ўринга эга бўлганлар, Қўқон хонлари сулоласининг шу қавмдан келиб чиқишлари ҳам бежиз эмас.

Шундай бўлсада минглар ҳукмронлиги Хўжанд вилояти билан чекланган. Фарғонанинг каттагина қисми эса Чодак хўжалари ҳукмронлиги остида эди. Лекин, бу худудга бошқа кўплаб кўчманчи халқларнинг кўчиб келиши ва бунинг оқибатида фарғона кўчманчи аҳолисининг кучайиши Чодак хожалари ҳукмронлигини заифлаштирди, мингларнинг эса кучайишига сабаб бўлди. Шу тариқа Қўқон хонлиги вужудга кела бошлади.

"Ибратул хавоқин"да Шоҳруххон салтанати бошланиши аввалидаги воқеаларда Хўқанд шаҳри бино этилиши ва олий қаср яратилиши асосчиси ҳамда насаби Бобурхон ибн Умар Шайх Баҳодирхонга бориб уланиши ҳақида айтилади ва Олтин Бешик ҳикояси ёритилади. Олтин Бешик билан Шоҳруххон орасида ўн пушт аждод ўтиб, бу муддат икки юз йилни ташкил қилганлиги ҳақида айтиб ўтилади [6].

Ушбу асарда айтилишича ўша замонларда Чодак мавзесида ерлик хожалар истиқомат қилиб, шу яқин атрофдаги Тарғова, Чамишбий, Хажкант, Паллахон, Тўқайтепа, Партоқ, Тепақўрғон, Қайнар сингари айрим туманлар ва шунга ўхшаш яна бир неча мавзеларни ўз қўлларида тутиб турганлар.

Ўша кезларда бўлиб ўтган туман ўзбекларидан бирининг тўйида бари давлатманд кишилар йиғилиб ўзларига бир йўлбошчи сайлаб олишга аҳд қиладилар ва бунга Олтин Бешик наслидан Чамишбий авлодидан Шоҳруххон ибн Ашурбекни лойиқ деб топадилар ва Тарғовада хон кўтарадилар. Шундан сўнг эса Чодак хожаларидан ҳукмронликни тортиб олиш режасини тузадилар. Унга кўра, ўзбек қизларидан биттасини Чодак хокими бўлиб ўтирган хожага унаштириб тўй куни куёв чимилдиққа кирган заҳоти уни ҳам, бирга келган мулозимларини ҳам ўлдиришга режа тузадилар ва ўз мақсадларига эришадилар. Қатлдан сўнг ўзбеклар Сирдарёдан кечиб ўтиб тез суръатлар билан Чодакни қўлга киритадилар. Шу тариқа Шоҳруххон дарёнинг у тарафидаги туманлардан Намангангача, Намангандан то Шоҳидонгача бўлган ҳудудларда ўз хокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлади.

Шоҳрухнинг буйруғига биноан икки сойнинг қўшилиб оқиш жойида ҳозир "Боғбонлар маҳалласи"деб аталувчи Шарқий сой худудида қалъа ва Арк қурилади, қайтадан Шоҳруххонни кигизга ўтқазиб барча иззат-иқром билан хон кўтарадилар. Бу воқеалар санаси ушбу китобда ҳижрий 1121/1709-1710 йил этиб белгиланади [6].

Энди эса Худоёрхонзода қаламига мансуб "Анжум ат-таворих" асаридаги маълумотларни кўриб чиқайлик. Ушбу асарда ҳам минглар сулоласи келиб чиқишини муаллиф Олтин бешик билан боғлайди.

Ашурмуҳаммадхон хотини Фахруннисо хонимдан 1094 йили рамазон/ 1682й. 31 август-30 сентябр ойида бир ўғил кўради, исмини Шоҳрухбек қўяди. Тўққиз ёшида унга бир муаллим тайинлашади, илму адабдан дарс олади, от чопиш, ўқ

отиш, сипоҳгарлик илми ва найза санчишни ўрганади[7].

1121/1709 йил 23 мартда Ашурмуҳаммадхон вафот этади, унинг ўрнига қўшин аҳли ва раият Шохрухбекни ҳукумат тахтига ўтказадилар. Асарда таъкидланишича Шохрухнинг аждодлари Бухоро хонларига тобе эдилар, танга ва хутбаларда ҳам аввал уларнинг номлари ўқилар ва зарб этиларди. Шохруххон эса Бухоро хонлари номини танга ва хутбадан чиқариб ташлади, имом хатиблар хутбани унинг номидан ўқий бошладилар ва тангалар ҳам унинг номи билан зийнат топганлиги ҳақида айтилади. Шунинг учун Фарғона хонлари ўзларининг мустақил ва янги давлатларини Шохруххон давридан бошлаб ҳисоблашлари ёзилади. Шохруххон Бухоро давлатини ўзига бўйсундиришга аҳд қилади, лекин орзусига эриша олмайди. Ҳижрий 1134/1721-1722 йили вафот этади. Унинг ҳукмронлик даври 23 йил (отаси даврида Андижонда ўн йил ҳукм суради) билан белгиланади [7].

Шу ўринда Б. М. Бабаджановнинг фикри ўринли, у В. В. Бартольд, Т. К. Бейсембиев ва Каваҳарадан фарқли ўлароқ Қўқон хонлигининг вужудга келишини Чодак хўжаларидан тортиб олинган ерлар ҳисобига, ҳукмронлик кучлари алмашинуви натижаси деб ўйламайди. Чунки ўша даврда мустақил давлат сифатида хонлик танга зарб эттирмаган, худудидаги вилоят бошлиқлари "хон" ёки "султон" номини ҳам олмаганлар [4]. Бухоро тангалари Олимхон давригача муомалада бўлган.

Қўқон хонлигининг биринчи ҳукмдори Шохрухбий (1709-1722) деб тан олинсада давлат ҳужжатларида унинг исми билан бир қаторда аштархоний Абулфайзхон (1711-1747) номи келтирилган. Шохрухбий исми ёнига "оталиқ" мақоми қўшиб ёзилган, баъзи бир ҳужжатлар сарлавҳасида эса "хондин" деб Абулфайзхонга ишорат қилинган.

В. В. Бартольд Минг сулоласининг асосчиси деб Олимхон(1799-1810)ни тан олишини айтади. "Мунтахаб ат-таворих" асари муаллифи Хақимхон Тўра Шохрухбийнинг ўғли Раҳимбийни биринчи хон деб билади. Б. М. Бабаджанов эса марказлашган хонликнинг вужудга келишини пойтахтнинг пайдо бўлиши ва тангаларнинг зарб этилиши билан боғланса мақсадга мувофиқ бўлар эди деб айтади [4].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Қўқон хонлиги пайдо бўлгунга қадар Фарғона худуди сиёсий тарихи тўғрисида бир қатор фикрлар мавжуд. Албатта ҳар бир фикрни инобатга олиш зарур, чунки аксарият тадқиқотлар ўша давр маҳаллий ёзувчилар асарларига таяниб ёритилган. Қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд масалан, Б. М. Бабаджанов хонликда тангаларнинг зарб қилинишини Олимхон даври билан изоҳласа, Худоёрхонзода қаламига мансуб "Анжум ат-таворих" асарида тангаларнинг зарб қилиниши хонлик асосчиси Шохрухбий билан боғлиқлиги таъкидланади. Бу каби муаммоларни ечимини топиш учун архив ҳужжатлари ва мавжуд бошқа бирламчи манбаларни атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим. Бу эса биз тарихчиларнинг асосий вазифамиз ва мақсадимиздир.

Шу ўринда "Қўқон хонлиги" атамаси билан боғлиқ яна бир тадқиқот натижасида юзага келган фикрни баён этишни лозим деб топдик. Кўп маҳаллий муаррихлар ўз асарларида "Қўқон хонлиги" эмас балки "Фарғона давлати" деб мурожаат қилганлар. Қуйида баъзи бир фикрларни кўриб чиқамиз.

"Қўқон хонлиги" атамаси бевосита Қўқон шаҳри билан боғлиқ. Ниёз Муҳаммад Хўқандий "Ибратул хавоқин" асарида Шохруххонни: "Хўқанд шаҳри бино этилиши лойиҳачиси ва олий қаср яратилиши асосчиси"[6]-деб атайди. Эътибор берсак шаҳарни қурдирди дейилмаябди, лойиҳачиси дейилябди. Яна ушбу асарда Шохруххонни хонлиги бошланишидан то ўлгунига қадар Тарғова ва Чамашбий

туманида турғун ҳаёт кечирганлиги[6], айрим ўзбекларнинг айтишича, у пайтларда Хўқанд шаҳри ҳали барпо қилинмаганлиги[6] ҳақида ёзади. Асарнинг кўплаб жойларида "Фарғона мулки", "Фарғона шохлари", "Фарғона дорус-салтанати", сўнги бетларида эса Хўқанд Скобелев томонидан 1876 йилда қўлга киритилганлиги ва Фарғона тамоман Россия императори тасарруфига ўтганлиги[6] ҳақида ёзилади.

Муҳаммадҳакимхон Тўра қаламига мансуб "Мунтахаб ат-таворих" асарида "Фарғона мамлакати салтанати", "Фарғона мулки", "Фарғона қўшини", "Фарғона лашкари", "Фарғона ҳокимлиги", "Фарғона амири"[8] деган атамалар бир неча бор учрайди, айримларини ҳаволада кўрсатиб ўтдик.

Мирзо Олим Махдум ҳожининг "Тарихи Туркистон" асари муаллиф томонидан 1908-1915 йилларда ўзи муҳаррирлик қилаётган "Туркистон вилояти газети"да босилиб чиққан. Хонлик тугатилганига 30 йилдан ортиқ муддат ўтган бўлса ҳам асарда "Хўқанд шаҳри" атамаси билан бир қаторда "Фарғона мулки", "Фарғона тахти", "Фарғона вилояти", "Фарғона хонлари даҳмаси", "Фарғона қўшини", "Фарғона мамлакати"[9] атамалари бир неча бор қўлланилган.

Худоёрхонзода қаламига мансуб "Анжум ат-таворих" асарида эса "Хўқанд" атамаси билан бир қаторда "Фарғона мулки", "Фарғона хонлари", "Фарғона ҳукмдори", "Фарғона амири", "Фарғона давлати", "Фарғона вилояти", "Фарғона лашкари", "Фарғона мамлакати", "Фарғона хонлик тожи"[7] каби атамаларни кўплаб учратиш мумкин.

"Анжум ат-таворих"[7] асарининг илова қисмида Олимбек ўз давлатини 1805 йили расман Қўқон хонлиги деб эълон қилиб, ўзи "хон" унвонини олганлиги ҳақида ёзилади. Лекин Худоёрхонзода томонидан ёзилган асл асарда бундай маълумотни учратмаймиз.

Т. К. Бейсембиевнинг "Тарихи Шаҳрухи"[3] асарида ҳам Олимхон ўзига "хон" унвонини олганлиги ҳақида гап боради. Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг "Ибротул хавоқин" асарида эса бу ҳақида бир мисра ҳам йўқ.

Юқоридаги асарлардан ташқари Муҳаммадҳакимхон Тўранинг "Мунтахаб ат-таворих" асарида, Мирзо Олим Махдум ҳожининг "Тарихи Туркистон" асарида, Исҳоқхон тўра Иброт томонидан 1916 йилда ёзилган "Тарихи Фарғона" асарида ҳам "Қўқон хонлиги"га асос солиниши тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар учрамайди. Маҳаллий тарихчилар ўз асарларида "Қўқон хонлиги" эмас балки "Фарғона давлати" деган атамани кўплаб қўллашларини юқорида келтирилган маълумотлардан билиб олишимиз мумкин.

4. Хулосалар:

- Фарғона ҳудудида минглар сулоласи томонидан 1709 йилдан-1876 йилгача бошқарилган давлат- "Фарғона давлати" деб аталган. "Қўқон хонлиги" атамаси Чор Россияси босқинидан сўнг рус сайёҳатчилари эсдаликларида, ёзувчи, олимларининг асарларида ўз ифодасини топган. Бунга сабаб доруссалтанат маркази Қўқон шаҳри бўлганлигидир;

- XVIII асрга келиб Аштархонийлар ҳукмронлигининг заифлашуви, ўзаро низолар ва курашларнинг кучайишиишжтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда янги жараёнларни юзага келтирди. Натижада Ўрта Осиё ҳудудида 3та давлат (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари) пайдо бўлди. Шулардан бири Қўқон хонлиги бўлиб, у Марказий Осиёда шаклланган ва узоқ муддат минтақа ҳаётида муҳим ўрин тутган учта хонликдан бири бўлди;

- XVIII аср бошларига келиб Фарғона ҳудудида ташкил топган, ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган мустақил давлатга маҳаллий

аҳоли томонидан асос солинганлиги аждодларимизнинг сиёсий онги етуклигидан далолат беради;

- Қўқон хонлиги ҳукмронлик даври мамлакатимиз тарихида беқиёс ўринни эгаллайди, чунки бу даврда марказлашган давлат фаолият олиб бориши билан бир қаторда маданият ва маънавият ҳам юксала борди. Кўпгина йирик бинолар, мадрасалар, масжидлар ва бошқа меъморий иншоотлар қурилди, тарих ва тарихнавислик, адабиёт ривожланди, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ равнақ топди, бошқа халқлар билан маданий алоқалар ўрнатилди.

Бугунги кунимизгача сақланиб қолган Худоёрхон Ўрдаси, Норбўтабий мадрасаси, Жомеъ масжиди ва бошқа бир қатор тарихий бинолар бизнинг фахримиз ҳисобланиб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Хонлик даврида яратилган тарихий, мемуар, адабий асарлар эса биз келажак авлодга ўша давр руhini кўрсатиб беришда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

-
- [1] Bobobekov H. N. History of Kokand Tashkent: Science, 1996.-p. 7.
- [2] Central state Archive of Uzbekistan. Troitskaya A. L. Catalog Archives of Kokand Khans XIX century. Moscow, 1968.- p. 522.
- [3] Beysembiev T. K. "History of Shahrukh" is like a istoricic reference. Alma Ata: Nauka, 1987.- p. 9, 7, 10-11, 14.
- [4] Babadjanov B. M. Kokand Khanate: government, politics, religions. Tashkent; Tokyo: New Edition, 2010.- p. 97, 100-101, 101.
- [5] Mejov V. I. Turkistan page. St. Petersburg: 1878.- Т. 116, p. 511.
- [6] Niyaz Muhammad Khodandi. Ibratul Hawokin. Tashkent: Turon Zamin Ziyo, 2014.- p. 37-39, 40-44, 37, 40, 40, 55, 52, 110, 338.
- [7] Khudoyarkhonzoda. Anjum at-tavorikh. Tashkent: Science and Technology, 2014.- p. 92, 92-94, 92, 93, 99, 132, 133, 153, 171, 300, 305, 310.
- [8] Muhammadhakimhon Tura. Muntakhab at-tavorikh. Tashkent: The New Generation, 2010.- p. 244, 269, 272, 285, 295, 631.
- [9] Mirzo Olim Makhdum Haji. History of Turkestan. Tashkent: New Generation, 2008.- p. 51, 52, 74, 79, 93, 99.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000